

**“НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧУСТ, ПОП ВА НАМАНГАН ТУМАНЛАРИ  
ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ЧУСТ ВА  
МИНГБУЛОҚ ТУМАНЛАРИ КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ҚУРИШ”  
ЛОЙИХАСИ**

<b>Асос:</b>	2022 йил 2 августдаги ПҚ-342-сон қарори.
<b>Амалга ошириш муддати:</b>	2022-2026 йиллар
<b>Қарз битими:</b>	2021 йил 7 июндаги 51032–сон
<b>Лойиҳа қиймати:</b>	84,5 млн доллар, шундан: - 70,0 млн доллар (82,8%) ЕТТБ маблағлари - 14,5 млн доллар (17,2%) Ўзбекистон ҳиссаси
<b>2022 йил ўзлаштириш режаси:</b>	3 млн доллар

---

**Амалга ошириладиган ишлар**

- 12 500 м<sup>3</sup>/сутка қувватли оқова сув тозалаш иншоотини қуриш;
- 20 та сув иншоотини реконструкция қилиш;
- 77 км ичимлик сув тармоқларини қуриш;
- 104 км сув тармоқларини реконструкция қилиш;
- 52 км оқова сув тармоқларини қуриш;
- машина ва механизмларни сотиб олиш.

**Шу жумладан ҳудудлар кесимида:**

**Чуст туманида:**

- 11 та сув иншоотини реконструкция қилиш;
- 40 км ичимлик сув тармоқларини қуриш;
- 60 км сув тармоқларини реконструкция қилиш;
- 39 км оқова сув тармоқларини қуриш;
- 10 000 м<sup>3</sup>/сутка қувватли оқова сув тозалаш иншоотини

қуриш.

**Поп туманида:**

- 9 та сув иншоотини реконструкция қилиш;
- 25 км ичимлик сув тармоқларини қуриш;
- 14 км сув тармоқларини реконструкция қилиш.

**Наманган туманида:**

- 12 км ичимлик сув тармоқларини қуриш;
- 30 км сув тармоқларини реконструкция қилиш.

**Мингбулоқ туманида:**

- 13 км оқова сув тармоқларини қуриш;
- 2 500 м<sup>3</sup>/сутка қувватли оқова сув тозалаш иншоотини

қуриш.

**Эришиладиган натижа**

Чуст, Поп, Наманган ва Мингбулоқ туманларидаги 83 та МФЙда истиқомат қилувчи 156,0 минг нафар аҳолининг ичимлик сув

ва **97,1** минг нафар аҳолининг оқова сув таъминотга яхшиланади.  
Натижада:

- Чуст, Наманган ва Поп туманларида ичимлик суви таъминоти

**58** фоиздан **90** фоизга;

- Чуст ва Мингбулоқ туманларида оқова сув таъминоти **2** фоиздан **80** фоизга етади.

### Инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати

**2022** йилнинг **январь-ноябрь** ойларида қарз маблағлари ўзлаштирилиши белгиланмаган.

### Жорий ҳолати

“Libanconsult AGM” компанияси томонидан **65,51** млн.долларлик **10** та пакет бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

### Хизматлар кўрсатиш бўйича

Режалаштирилган **2** та пакет доирасида, **1,4** млн долларлик **1** та шартнома имзоланган.

**Биринчи пакет.** Лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқиш ҳамда объектларда қурилиш-монтаж ишлари устидан техник назоратини олиб бориш (**1,4** млн долл.).

Ливаннинг “Libanconsult AGM” компанияси билан **2022** йил **12** апрелда **3,63** млн долларлик ЕТТБнинг 3 та лойиҳаси (шу билан бирга Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти) доирасида батафсил лойиҳалаш, тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини техник назорат қилиш бўйича шартнома имзоланди. Консултант томонидан **65,51** млн.долларлик **10** та пакет бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

**Иккинчи пакет. TSNW-N01. Қурилиш назорати (3,01 млн долл.).**

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2022 йил 9 декабрь).

2023 йил январда тендерга эълон берилиши, февральда тендер ўтказилиши ёлиб компания билан июнда шартнома тузилиб, июльдан шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

### Ускуна ва техника харид қилиш бўйича

**Биринчи пакет. Махсус техникалар харид қилиш (1,8 млн долл.).**

“Наманган вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимини модернизация қилиш” лойиҳасининг NWP-5 шартномаси – доирасида харид қилинади.

*Маълумот учун: бу лойиҳа доирасида қиймати **933 минг долларлик 16 та** техника харид қилиниши белгиланган. Ҳозирги кунда NWP-5.1, NWP-5.3 ва NWP-5.4 шартномалари бўйича жами 50 854 доллар молиялаштирилди.*

### **Қурилиш-монтаж ишлари бўйича**

Режалаштирилган **9 та пакет** доирасида дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича жами **62,5** млн долларлик **13 та** шартнома имзоланиши режалаштирилган. Булар:

**Биринчи пакет. Сув олиш иншооти ва сув тақсимлаш станцияларини қуриш ва реконструкция қилиш (6,1 млн долл.).**

**TSNW-N02/01. Карнон сув олиш иншоотини реконструкция қилиш (3 млн долл.).**

**TSNW-N02/02. Келачек сув олиш иншоотини реконструкция қилиш (1,9 млн долл.).**

**TSNW-N02/03. Уйғур аҳоли пунктида сув тақсимлаш иншоотини қуриш (1,2 млн долл.).**

Ҳозирги кунда 3 та лот бўйича тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 9 март).

2023 йил **апрельда** тендерга эълон берилиши, **майда** тендер ўтказилиши ғолиб компания билан **августда** шартнома тузилиб, **октябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Иккинчи пакет. TSNW-N03 Уйғур аҳоли пункти сув таъминоти тизимини ривожлантириш (1,2 млн долл.).**

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 15 март).

2023 йил **апрелда** тендерга эълон берилиши, **июнда** тендер ўтказилиши, ғолиб компания билан **сентябрда** шартнома тузилиб, **октябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Учинчи пакет. TSNW-N04 “Қизил-ровот” сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш (2 млн долл.).**

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 27 январь). 2023 йил **мартда** тендерга эълон берилиши, **майда** тендер ўтказилиши, ғолиб компания билан **августда** шартнома тузилиб, **сентябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Тўртинчи пакет.** Чуст, Поп ва Наманган туманларининг сув таъминоти тизимини қуриш ва реконструкция қилиш (20,2 млн долл.).

**TSNW-N05/01.** Чуст тумани сув таъминоти тизимини қуриш ва реконструкция қилиш (Карнон сув олиш иншоотидан Заравшон туманигача сув қувурлари, Карнон сув олиш иншоотидан Чуст шаҳар сув тақсимлаш иншоотигача сув қувурлари, Гузлар сув тақсимлаш иншоотига тоза сув захираси, Чуст шаҳри ва тумани сув таъминоти тизими) (10,2 млн долл.).

**TSNW-N05/02.** Поп туманида сув қувурларини қуриш ва реконструкция қилиш (Келачек сув олиш иншоотидан Уйғур сув тақсимлаш иншоотигача ва Жийдакапа сув олиш иншоотидан Наманган шаҳригача) (4 млн долл.).

**TSNW-N05/03.** Наманган тумани сув таъминоти тизимини қуриш ва реконструкция қилиш (Жийдакапа сув олиш иншоотидан Наманган шаҳри ва Наманган тумани) (6 млн долл.).

Ҳозирги кунда 3 та лот бўйича тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 29 январь).

2023 йил мартда тендерга эълон берилиши, майда тендер ўтказилиши ёлиб компания билан июлда шартнома тузилиб, сентябрдан шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Бешинчи пакет.** TSNW-N06 “Қизил-ровот” - Пахталикўл сув тармоғини қуриш (14 млн долл.).

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 5 март). 2023 йил апрелда тендерга эълон берилиши, июнда тендер ўтказилиши, ёлиб компания билан августда шартнома тузилиб, сентябрдан шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Олтинчи пакет.** TSNW-N07 Чуст, Поп ва Наманган туманларида сув таъминоти ҳисобини ташкил этиш (0,5 млн долл.).

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2022 йил 6 декабрь). 2023 йил январда тендерга эълон берилиши, мартда тендер ўтказилиши ёлиб компания билан 2023 йил майда шартнома тузилиб, июндан шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Еттинчи пакет.** TSNW-N08 Чуст туманида оқова сув тозалаш иншооти қуриш (5,5 млн долл.).

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 26 март). 2023 йил **майда** тендерга эълон берилиши, **июлда** тендер ўтказилиши ғолиб компания билан **октябрда** шартнома тузилиб, **ноябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Саккизинчи пакет. TSNW-N09 Жумашуй МФЙда оқова сув тозалаш иншооти ва оқова сув насос станцияси қуриш (2 млн долл.).**

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 2 апрель). 2023 йил **майда** тендерга эълон берилиши, **июлда** тендер ўтказилиши ғолиб компания билан **октябрда** шартнома тузилиб, **ноябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.

**Тўққизинчи пакет. TSNW-N10 Оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш (11 млн долл.).**

Ҳозирги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда (2023 йил 9 апрель). 2023 йил **майда** тендерга эълон берилиши, **июлда** тендер ўтказилиши ғолиб компания билан **сентябрда** шартнома тузилиб, **ноябрдан** шартнома бўйича ишларни бошланиши кўзда тутилган.